


YANGI O'ZBEKISTON: 2023

CONFERENCE.uz

DAVRIYLIGI:
2018-2023



TOSHKENT SHAHAR, AMIR
TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.



+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00



WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ



MART
№50

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИННОВАЦИЯ, ФАН
ВА ТАЪЛИМ
12-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
ИННОВАЦИИ, НАУКА
И ОБРАЗОВАНИЕ
ЧАСТЬ-12**

**NEW UZBEKISTAN:
INNOVATION, SCIENCE
AND EDUCATION
PART-12**

ТОШКЕНТ-2023



“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 50-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттига устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўкув ишлари бўйича декан ўринбосари

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибай Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чарiev Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чарiev Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Мухаммадхон Хамидович «ТИИМСХ»

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Сахифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов: tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

1. Mohira Raxmonnazarova Abdusattor qizi	
TURIZM SOHASINI RIVOJLANTIRISHNING ASOSIY OMILLARI	7
2. Миралиева Мадинабону Дилмурод қизи	
ЁШЛАР ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.....	9



МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

TURIZM SOHASINI RIVOJLANTIRISHNING ASOSIY OMILLARI

Mohira Raxmonnazarova Abdusattor qizi

Toshkent Kimyo xalqaro universiteti talabasi

Elektron pochta manzili: rahmonnazarovamohira@gmail.com

Annotatsiya. Mazkur maqola turizm sohasini samarali rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan. O‘zbekistonda turizm sohasini rivojlantirishning iqtisodiy holati keltirilgan.

Kalit so‘zlar: turizm industriyasi, mintaqaviy rivojlanish, xorijiy turistlar tashrifi, turistik xizmatlar eksporti.

Jahon miqyosida globallashuv jarayonlari chuqurlashib borayotgan bir paytda turizm ko‘pgina davlatlar iqtisodiyotining muhim daromad manbaiga aylanib ulgurdi. Turizm sohasi yangi ish o‘rinlarini yaratishning rag‘batlantiruvchi kuchi sifatida ijtimoiy ahamiyat kasb etadi. “Bugungi kunda jahon yalpi ichki mahsulotining qariyb 10 foizi, ish bilan bandlikning 9 foizi, jami eksportning 7 foizi, xizmatlar eksportining esa 30 foizi turizm sohasi hissasiga to‘g‘ri keladi”. Bu esa uning iqtisodiy rivojlanishdagi muhim o‘rnini tasdiqlaydi. Dunyo eksporti tarkibida turistik xizmatlar yoqilg‘i, kimyo sanoati, oziq-ovqat hamda avtomobil sanoati eksportidan keyin beshinchchi o‘rinni egallaganligi, uning iqtisodiyot tarmoqlari rivojlanishiga sezilarli darajada ta’sir ko‘rsatayotganligidan dalolat beradi. Xorijiy davlatlar o‘z milliy turistik mahsulotini diversifikasiya qilish asosida turistik xizmatlar eksporti hajmini muntazam oshirib borishga jiddiy e’tibor qarata boshladi. Xususan, O‘zbekistonda kirish turizmi bilan shug‘ullanuvchi biznes sub’ektlari faoliyatini modernizatsiyalash, turistik xizmatlarni innovatsion texnologiyalar asosida takomillashtirish, uning eksportini diversifikasiya qilishga davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida katta e’tibor qaratilmoqda. Turizm industriyasi yuqori darajada rivojlangan ko‘plab mamlakatlarda ham xorijiy turistlar dam olishi va ularga sifatli xizmat ko‘rsatish uchun qulay shartsharoitlar yaratilgan, ular o‘ziga millionlab turistlarni barqaror jalg qilmoqda. Shu bilan birga, Afrika, Avstraliya, Janubiy Amerika, Janubi-Sharqiy Osiyo, Meksika kabi mintaqalarning xorijiy turistlarga xizmat ko‘rsatishdagi ulushi borgan sari ko‘payib borayotganligini ta’kidlab o‘tish lozim. Bugungi kunda milliy iqtisodiyotning o‘sishi dunyo bozoriga bog‘liq bo‘lmoqda. Turizm davlatlarni o‘zaro yaqinlashtiribgina qolmay, balki xalqaro munosabatlarni rivojlantirishda muhim omil bo‘lmoqda. Shuning uchun, xalqaro turizm industriyasini oqilona tashkil etish, boshqarish va rivojlantirish, joylashtirish vositalari turlarini ko‘paytirish va takomillashtirish hamda bu borada jahon tajribasini qo‘llash zarurati sezilmoqda. Mamlakatda olib borilayotgan iqtisodiy, ijtimoiy va institutsional islohotlarning natijalari mamlakatda ro‘y berayotgan o‘zgarishlar hamda soha tarmoqlarning statistik ko‘rsatkichlarning o‘sishida o‘z aksini topadi. Mamlakataimzda turizm sohasidagi islohotlarning natijalari ham ushbu sohadagi iqtisodiy ko‘rsatkichlarning o‘zgarishida namoyon bo‘ladi. Har bir qilingan iqtisodiy, institutsional o‘zgarishlar mamlakat taraqqiyotini ko‘zlashi bilan birga samarali amalga oshirishi hamda muvaffaqiyatli natijalarni o‘zida aks ettirishi lozim. Ma’lumki, ziyorat turizmi butun dunyoda turoperatorlik hamda turagentlik tashkilotlari uchun eng jozibali turizm turlaridan biri hisoblanadi. Dunyoning ko‘plab mamlakatlarida, ziyorat turlarini tashkil etishda turoperatorlik kompaniyalari diniy tashkilotlar bilan o‘zaro hamkorlik asosida faoliyat olib borishadi. Ziyorat turizmi - bu muqaddas qadamjolar, tarixiy-madaniy va tabiiy resurslar bilan bog‘liq ob‘ektlarga turistlarning tashriflarini tashkil yetish bilan bog‘liq faoliyatdir. Bu jarayonda, turli din va aholi qatlamlari vakillarini nafaqat ziyorat, balki ularni tashrif buyurgan joylarning tarixiy, madaniy va badiiy qadriyatlari bilan tanishtirish imkoniyatini beradi. O‘zbekistonda ziyorat turzimi sohasiga alohida e’tibor qaratilmoqda hamda bu soha rivojlanib borayotganligi sababli islam diniga e’tiqod qiluvchi va musulmon aholiga ega bo‘lgan ko‘plab davlatlardan musulmon



turistlar tashrif buyurmoqda. “Jahonda 1,6 milliarddan ortiq musulmonlar bo‘lib, dunyoning deyarli barcha mintaqasida musulmonlar yashaydi. Indoneziya (260 mln.), Malayziya (32 mln.), Pokiston (150 mln.) singari mamlakatlarning fuqarolarini ziyorat turizmi maqsadida Buxoro, Samarqand, Toshkent va Termiz shaharlarda joylashgan muqaddas qadamjolarga jalb etish O’zbekiston uchun ulkan imkoniyatdir. Ushbu shaharlarda joylashgan muqaddas qadamjolar, avliyolar va ulamolarning maqbaralari, qadimiy masjid va madrasalar, muqaddas qo‘lyozmalarni ko‘rsatish turizm salohiyatini yaxshilashga turtki bo‘ladi”.

Xulosa qilib aytganda, turizm sohasi rivojlanishida asosiy imkoniyatlar ilmiy tahlili negizida ustuvor yo‘nalishlarni belgilab olish orqali ushbu sohada olib borilayotgan amaliy sa’y-harakatlarni faollashtirish talab etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ruziyev Sh.R. O’zbekistonda tarixiy-madaniy turizmni rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan dissertatsiya avtoreferati. Samarqand, 2019 y. – 8-12 b.
2. M.Amonboyev, S.Xalilov Turizm industriyasи rivojlanishining asosiy yo‘nalishlari va istiqbollari. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” elektron jurnali. Toshkent 2019.
3. Abasxanova, X. Yu, and U. B. Amirsaidov. "Microprocessors. A textbook for higher education. Toshkent-2016." B 280: 26-091.
4. Abasxanova X. Y. The role of geographic information system in growing agricultural production //Universum. – 2022.
5. Abasxanova, X. Yu. "Textbook for college students majoring in" Digital Technology" 5.55. 01.01- " Telecommunication Technologies" Tashkent." (2021).
6. Abaskhanova, X. Y., & Juraev, L. N. (2021). Khoshimova FR Textbook for college students majoring in" Digital Technology" 5.55. 01.01- " Telecommunication Technologies". Tashkent.
7. Abasxanova, X. Yu. "Rol geoinformatsionnoy sistemi v virashivanii selskoxozyaystvennogo proizvodstva [The role of geographic information system in growing agricultural production]." Mejdunarodniy nauchniy jurnal «Universum: texnicheskiye nauki (2022): 57-59.



ЁШЛАР ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Миралиева Мадина бону Дилмурод қизи

Тошкент филиали ЕМУ университети 2-босқич талабаси.

Шухратиллаева Озодахон Нематилла қизи

298-мактаб ўқувчиси.

АННОТАЦИЯ: Бугунги кунда ёшларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур мақолада айнан, ёшларни бўш вақтини ташкил этиш йўллари ҳусусида келтирилган.

Калит сўзлар: ёшлар, бўш вақт, тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилиш, таълим, спорт, беш ташаббус, касб-хунар.

Бугунги кунда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва уларнинг бандлигини тамиллаш орқали ўзини ўзи банд қилиш ҳамда тадбиркорликка йўналтириш стратегик вазифалардан бири ҳисобланади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентитомонидан таъкидланганидек, “мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитети ҳам шунча кучли бўлади” [1].

Ёшларнинг ҳаёти давомида бўш вақт ва уларни мазмунли ўтказиш муҳим ҳисобланиб, ундан шахсий ривожланиш, маънавий ўсиш, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини англаш каби турли жиҳатларда, шу жумладан ижодий салоҳиятни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бўш вақтни афзал кўриш таъсири остида, бўш вақтни у ёки бу тарзда ўтказиш шароитида ёшларнинг шахсияти шаклланади. Шу билан бирга, илмий жамоатчилик томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар бўш вақтни ва дам олишни оқилона ташкил этишга ёрдам беради, яъни ҳам шахсга, ҳам давлатга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларнинг ҳукукий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларга ўз интилиш ва қобилияতларини рўёбга чиқариш, жамият ва давлат ривожига муносаб ҳисса кўшишлари учун яратилган имконият – юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий устувор мақсадларидан биридир.

Мамлакатимизда ёшларга жуда кўплаб шароит ва имкониятлар яратилиб, бунда 5 та муҳим ташаббус орқали ёшларнинг бўш вақтини, маданий ҳордиқ чиқаришини яхши ташкил этиш ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қиласи. Булар,

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишиларини оширишга, истеъододини юзага чиқаришга хизмат қиласи.

Иккинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга ўтказилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади [2].

Республикамиз ҳудудларида мазкур 5 та муҳим ташаббус бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, айниқса китобхонлик бўйича турли хил кўрик танловларнинг ташкил этилиши ва оммавий ахборот воситаларида мазкур ишларнинг доимий равища ёритиб борилиши натижасида ёшларнинг китобни ўқишга бўлган қизиқиши ва китобхонлик саводхонлиги ортаётганлигини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда 12 мингдан зиёд спорт иншооти мавжуд бўлиб, мазкур спорт иншоатига ёшларни кўпроқ жалб этиш орқали жамиятни соғломлаштиришга эришиш мумкин.

Бунда ёшларни беш ташаббусга жалб этиш учун аввало, ёшларни куйидаги ишларни тизимли равища амалга ошириш мақсад қилиб белгилаб берилган:



Истеъдодли санъаткор ва ижодкорларни туманлардаги маданий ишларга кўмакчи сифатида бириктириш;

Жойлардаги спорт мактабларига таниқли халқаро мусобақалар ғолибларини раҳбар этиб тайинлаш;

Ёшларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш;

Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиш ва кенгайтириш;

Ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка йўналтириш ва бошқалар [2].

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар ўз табиатига кўра ҳаётга интилевчан, катталар тажрибасини қабул қила оладиган, бўш вақтларини фан ва техника тараққиётидаги янгиликлар билан уйғунлаштирадиган, кежалакни кўзлай оладиган, ҳар бир инновацияларни қабул қила оладиган, бўш вақтларини унумли ўтказишга қизиқадиган ижтимоий гурух бўлиб, уларни беш ташаббуснинг ҳар бир йўналишларига кенгроқ жалб этиш лозим.

Адабиётлар руйхати

1.Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун. – Т., 2016.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 12-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2023

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000